

**Жиноят кодексининг 60-моддаси талаби бузилиши суд қарорлари бекор бўлишига сабаб бўлди.**

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2006 йил 12 декабрдаги ҳукмига асосан фуқаро Н. Жиноят кодексининг 182-моддаси 2-қисмининг «а,в» бандлари, Жиноят кодексининг 227-моддасининг 1-қисми билан Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида 5 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига, Жиноят кодексининг 60-моддаси тартибида илгариги ҳукм билан тайинланган жазодан қисман қўшилиб, узил-кесил 5 йил 2 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган ҳамда унинг дастлабки тергов даврида 2 ой 15 кун қамоқда бўлган вақти тайинланган жазо муддатидан чиқарилиб, ўташи учун 4 йил 9 ой 15 кун озодликдан маҳрум этиш жазоси қолдирилган, жазони умумий тартибли колонияларда ўташи белгиланган;

Р. Жиноят кодексининг 182-моддаси 2-қисмининг «а,в» бандлари билан 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига, Жиноят кодексининг 60-моддаси тартибида узил-кесил 5 йил 2 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган ва унинг дастлабки тергов даврида 3 ой 10 кун қамоқда бўлган вақти тайинланган жазо муддатидан чиқарилиб, ўташи учун 4 йил 8 ой 20 кун озодликдан маҳрум этиш жазоси қолдирилган, жазони умумий тартибли колонияларда ўташи белгиланган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг 2007 йил 12 январдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра Н. раҳбарлигидаги Р. ва бошқалардан иборат уюшган жиноий гурӯҳ жуда кўп миқдордаги товар-моддий бойликларини божхона назоратидан четлаб, декларациясиз, айланма йўллар орқали Қозоғистон Республикасидан ғайриқонуний равишда Ўзбекистон Республикасининг божхонаси чегараси орқали олиб ўтиш билан шуғулланиб келганликда айбли деб топилганлар.

Суд томонидан Н.га жазо тайинлашда Жиноят кодексининг 60-моддасининг тартибида янги ҳукм бўйича тайинланган жазо муддатига илгариги ҳукм юзасидан тайинланган жазонинг ўталмай қолган қисмини қўшиш талаби бузилишига йўл кўйилган.

Жиноят ишига қўшилган суд ҳужжатларидан кўринишича, Н. жиноят ишлари бўйича Акмал Икромов туман судининг 2004 йил 9 июндаги ҳукмига мувофиқ, Жиноят кодексининг 182-моддаси 2-қисмининг «а,б» бандлари билан энг кам ойлик иш ҳақининг 300 баравари, 188-моддаси 2-қисмининг «б,в» бандлари билан 2 йил муддатга савдо ёки воситачилик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда энг кам ойлик иш ҳақининг 200 баравари

микдорида жарима жазосига, Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида 2 йил муддатга муайян хуқуқдан маҳрум қилинган ҳолда энг кам ойлик иш ҳақининг 400 баравари микдорида жарима жазосига, Жиноят кодексининг 60-моддаси тартибида ушбу жазога 2003 йил 5 декабрдаги ҳукм билан тайинланган жазони тўлиқ қўшиш йўли билан 2 йил савдо ёки воситачилик фаолияти билан шуғулланиш хуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда энг кам ойлик иш ҳақининг 400 баравари микдорида жарима ва ойлик иш ҳақининг 25 фоизини давлат фойдасига ундириш шарти билан 3 йил ахлоқ тузатиш иши жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2006 йил 12 декабрдаги ҳукми билан эса Н.га Жиноят кодексининг 182-моддаси 2-қисмининг «а,в» бандлари билан 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси, 227-моддасининг 1-қисми билан 6 ой қамоқ жазоси, Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида 5 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган ҳамда Жиноят кодексининг 60-моддаси тартибида ушбу жазога 2004 йил 9 июндаги ҳукм билан тайинланган 3 йил ахлоқ тузатиш ишидан қисман қўшиш йўли билан 5 йил 2 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Бунда жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди томонидан чиқарилган ҳукм бўйича тайинланган жазога Жиноят кодексининг 60-моддаси тартибида 2004 йил 9 июндаги ҳукм билан тайинланган жарима ва 2 йил савдо ёки воситачилик фаолияти билан шуғулланиш хуқуқидан маҳрум қилиш жазосини қўшиш масаласи асоссиз равишда муҳокама қилинмасдан қолган. Бунинг оқибатида Н.га енгил жазо тайинланишига йўл қўйилган.

Қайд этилган ҳолат Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарори 60-банди ҳамда ЖПК 484-моддасига кўра, қонун талабларининг жиддий бузилиши деб топилишига ва суд ҳукми бекор қилинишига асос бўлади.

Шунингдек, Н. ва Р.га нисбатан тайинланган жазодан уларнинг қамоқда бўлган вақтини чиқаришда ҳам хатога йўл қўйилган. Суд томонидан Н. илгари қамоқда сақланган 2 ой 15 кун вақти Жиноят кодексининг 59,60-моддалари тартибида тайинланган узил-кесил жазо 5 йил 2 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосидан чиқариб ташлаш ўрнига унга охирги ҳукм бўйича Жиноят кодексининг 182-моддаси 2-қисмининг «а,в» бандлари билан тайинланган 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосидан, худди шунингдек, Р.ни илгари қамоқда сақланган 3 ой 10 кун вақти Жиноят кодексининг 59,60-моддалари тартибида тайинланган узил-кесил жазо 5 йил 2 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосидан чиқариб ташлаш ўрнига унга охирги ҳукм бўйича Жиноят кодексининг 182-моддаси 2-қисмининг

«а,в» бандлари билан тайинланган 5 йил озодлиқдан маҳрум қилиш жазосидан чиқарилиб, хатога йўл қўйилган. Натижада Н.га ўташ учун узил-кесил 4 йил 11 ой 15 кун, Р.га 4 йил 10 ой 20 кун озодлиқдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиш ўрнига, уларнинг биринчисига 4 йил 9 ой 15 кун, иккинчисига 4 йил 8 ой 20 кун озодлиқдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Бундан ташқари, суд томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖПК 457-моддаси 12 ва 13 бандлари талаблари бузилиб, жиноят иши бўйича ашёвий далил сифатида эътироф этилган 30 хил турдаги 9.934.550 сўмлик товар-моддий бойликларининг тақдири ва айблов хулосасида кўрсатилган экспертизалар ўтказиш учун тергов органи томонидан харажат қилинган 71.280 сўм миқдоридаги процессуал чиқимларни ундириш масаласи ҳал қилинмай қолган.

Иш бўйича 2005 йил 12 сентябрдаги 6915-ХўҚ-сонли юк хати билан 30 хил турдаги 9.934.550 сўмлик товар-моддий бойликлар Тошкент туманидаги «Комол Уматдош» унитар корхонасига топширилган ва тергов органининг 2005 йил 21 октябрдаги қарори билан бу ашёлар ашёвий далил деб эътироф этилган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2007 йил 12 июндаги ажрими билан Н. ва Р.га нисбатан чиқарилган суд қарорлари бекор қилиниб жиноят иши янгидан биринчи босқич судида кўриш учун жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг бошқа таркибиға юборилди.

***ЖСХ-177-07 сонли ажрим***